

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАТАР ЖАМГАРМАСИ
«ИЖОДКОР» ҲУЖАЛИК ХИСОБИДАГИ ИЧМИП-ИШТАБ ЧИКАРИШ
БИРЛАШМАСИ

Амир Саййид Олимхон

**Бухоро
халқининг
ҳасрати
тариҳи**

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ 1991

Сўнгги Бухоро амири Сайид Олимхон (1881—1944 йиллар) қаламига мансуб хотиралар тўлиқ холича ўз ватанида илк бор нашр этилмоқда. Унинг толиби илим бўлган чоғларидан, амирлик чоғи, большевикларнинг Бухорони зўрлик билан босиб олиши ва ватандан узоқда, муҳожирлик йилларга қадар кечтган умри суронли ва мураккаб тарихий давр кўзгусида яккол намоён бўлган. Улкамиз кечмишини ўрганишда тарихий шахслар ўзи ёзиб колдирган, жуда камчил ва ноёб бўлган бундай асарларнинг киммати йиллар ўтгани сайин ошиб бориши табиий экан, мазкур асарни ўз ўтмишига бефарқ бўлмаган кенг ўкувчилар оммаси диккат-эътиборига ҳавола этамиз.

Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи

Абдусодик ИРИСОВ

Нашрга тайёрловчи Сайд МУРОД

Масъул мухаррир Комил ХОЛМУҲАММАД

Мухаррир Рустам ОБИД

Тақризчилар:

Ўзбекистон ССЖ ФА мухбир аъзоси

А. Муҳаммаджонов,

шарқшунос М. ХАСАНИЙ

4701000000—084
C ——————
—54890
—073(02)—91

ISBN 5—648—01799—5

© «Ижодкор» хўжалик ҳисобидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1991 й.

СЎЗБОШИ

1966 йил апрель ойининг охириларида Тошкентда машхур ва машъум зилзила юз берди. Бу воқеадан бир хафта ўтар-ўтмас мен Сурия Араб жумҳуриятининг бош кенти ҳисобланган Дамашкка ишга кетдим. Орадан бир ярим-икки ой ҳам ўтмаган эди, Дамашқдаги уйимга бир қорачадан келган, ўрта бўйли, ўзига ярашган мўйлаби ҳам бор бир киши ташриф буюрди. Қўринишидан у худди сувратини кўрганим Абдулла Қодирийга ўхшарди. Бу киши ўзбекчалаб менинг исми шарифимни сўради. Биз кўришдик, мен ўзимни таништирдим, ичкари кирдик.

— Мен Жўра кори бўламан, баъзан ёзувларда Сургун деган от ҳам кўшиб айтилади, тахаллусим Бўтакўз. Мамлакатдан узокда — сургунда юргандайман, баъзида шундай аташ билан ўзимни овутган, ўзимга тасалли берган бўламан. Шу йили апрель ойида Дўстлик жамиятининг даъвати билан мамлакатга боргандим. (Хориждаги ҳамشاҳарларимиз «Ўзбекистон» номи ўрнига кўпинча «мамлакат» ёки «ватан» сўзини ишлатадилар). Эсимни таниганимдан бери орзу килганим — ватанин кўришга муяссар бўлиш эди, бир хафта ҳам ўтмасданоқ ўша мудхиш зилзила юз берса бўладими, ёпирай, мени ажал қувиб келган экан, шу ерда ўлар эканман-да, деган хаёлга ҳам бордим. Йўқ, худога шукр, кечмиш бўлди (яъни ўтиб кетди). Ўша ерда дўстларингиз бир нарсани сиздан ҳикоя қилишди, сўнг жанобингиз исми-шарифлари зикр қилинган чоғда сухбатга чорлаш учун сизга қўнғирок қилишса, аллақачон бу томонларга равона бўлган экансиз. Шу билан мен мамлакатдан чиқиб Истанбулга келдим, у ердан бу томонларга ўтдим, кейин Урдунга (яъни Иорданияга) ўтаман.

— Буни бир мутолаа килинг, сизга совға, — деб бир китоб берди.

Китобга қарасам, Бухоро амири — Олимхон қаламига мансуб, меҳмонга миннатдорчилик билдиридим. Китоб форсийда ёзилган, Фарбда чоп этилган эди.

Мен китобни мутолаа қилиб, юртга қайтганда ўзбекчага ағдарарман, деган хаёлга келдим. Мана, орада чамаси йигирма беш йилча вақт ўтди. Орзиқиб кутилган дамлар келди. Бу чоғлар ошкоралик деб ном олди. Бор ҳақиқат аста-секин қалқиб юзага чика бошлиёттир. Шундай мулоҳазалар андишасида ниҳоят ўша китобнинг форсийдан килган таржимасини ҳурматли ўкувчилар эътиборига ҳавола

этәтириштән. Муаллиф фикрини яхши ифодалай олдимми — йўқми, бу мухтарам китобхонлар хукмига ҳавола. Мабодо баъзи ибораларда фикр яхши ифодаланмаган бўлса, ўтиб кетган камчилик учун китобхондан олдиндан узр сўрайман. Мабодо улар ўз мулоҳазаларини менга ёзиб ё матбуот орқали билдиришса, мулоҳаза отига миниб мақсад сари отланишимиз турган гап.

* * *

Рисолани таржима килишда иложи борича муаллиф руҳи, услуби, ҳатто ўша даврда ишлатилган маъмурий бўлинишлар номи (чунончи, туман, беклик кабилар)ни сақлашга ҳаракат қилинди. Ўша даврда Бухоро давлати йигирма саккиз беклиқка бўлинган. Чунончи, хозирги Нурота, Қоракўл, Чоржўй, Шахрисабз, Китоб, Гузор, Денов, Яккабог каби жойларнинг ҳар бири беклиқдан иборат бўлган. Беклик бизнинг хозирги истеъмолимизда районга тўғри келади, шу билан бирга «туман» тушунчаси ҳам бунга тўғри келгандай бўляпти. Чунончи, Фиждувон тумани, Вобкент тумани, Лаълака тумани. Китобда Нурота эса вилоят сифатида битилади.

Амир Олимхоннинг ёзишича, ўша даврда Бухоро давлатига қарашли ерлар 225000 квадрат километр бўлган, бу эса таҳминан Италия майдони билан тенг деганидир. Унинг ёзишича, Бухоро аҳолиси, асосан ўзбек, туркман, кирғиз, козок, тоҷик, яхудий ва араблардан иборат эди. Бундан кўринадики, Бухоро давлати кўпмиллатли мамлакат бўлган, унда Ўрта Осиё ҳалқларининг барча вакиллари яшаган. Олимхон бу ерларда яшовчи яхудий ва арабларни китобига битишни ҳам унутмаган.

Амир Олимхон ёзади: «Бухоро ҳонлари бутунлай манғитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган. Бухоро подшоҳлари мўғил одатларига кўра тўшакча (у оқ кигиздан тайёрланган — А. И.) устига табарукона ўтқазилиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарардилар». Туркий подшоҳларни оқ кигизга солиб кўтариш қадим-қадимдан колган анъана бўлган.

Бу гапда келтирилган «мўғил» сўзи аслида туркий қабилалардан бирининг номи, у «монгол» эмас. «Мўғил» билан «монгол» томомила бошқа-бошқа ҳалк. Шу жиҳатдан Ҳиндистонда Бобур тузган империя баъзан янгилиш ишлатилиб келаётган «Монгол» эмас, балки «Мўғил империяси»дир. Бунга Сайид Олимхон битган сатрлар ҳам гувоҳлик беради. Олимхон ёзади: «Бухоро Марказий Осиё мамлакатларининг энг қадимгиларидан бири бўлиб, бунда навбатма-навбат шаҳзодалар салтанат курганлар... Сўнгги сомоний подшоҳларининг вафотидан сўнг (1005) Бухоро икки марта турк ва салжуқлар сулоласининг қўлига ўтди. Ундан сўнг Чингизхон ва Темур, кейин шайбонийлар, аштархонийлар сулоласи, ўзбек — манғитлар Бухорода ҳукм сурдилар. Манғит тоифаси 1783 йилдан то 1920 йилгача Бухорода салтанат сурдилар».

Мана бу сўзлар тарихимизни тузукроқ тушунишга, янада чукурроқ билишга ёрдам беради.

Бухородан хорижга чиқариладиган маҳсулотлардан ташқари от ҳам экспорт килинган. «Бухоро отлари, — дейди муаллиф, — хусусан, корабайир нави 1914 йилги урушда аҳамият қозониб, яхшилигини исботлайди. Бухоро амири қанчадан-қанча минг бош отни Руся давлатига берди».

Шу билан бирга амир эсдаликларида ўша даврда Русия билан Бухоро ўргасида бўлган савдо миқёси ҳақида ёзилади: «Большевиклар инқилобидан олдин Бухоро савдоси факат Русиянинг ўзи билан икки юз эллик миллион франкка етар эди. Лекин бахтга карши юкларни элтиш воситаларининг йўқлиги савдо ишининг ривожланишига катта тўскинлик қилди. Ваҳоланки, қанчадан-қанча төмір йўл воситалари мамлакатнинг бошидан охиригача чўзилған эди».

Амир Олимхон ўз даврида бирмунча маданий қурилишлар килади, мадраса, масжид, кўпприк курдиради. «Бухоро минорасининг паст томонида, — дейди муаллиф, — ўз номимдан Дорул-улум бўлган бир мадраса курдирдим; турли илмлардан дарс берувчи муаллимлар тайин этдим. Мазкур мадрасада истиқомат киладиган талабалар сарф-харажати, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир ҳам тайин этдим; уларнинг емакичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вактда етказдирадим».

Амир қурдирган бу ўқув даргоҳи мисоли ҳозирги интернат мактаби ё техникумiga тўғри келадиган бир билимгоҳ деса ҳам бўлади. Бу эса ўша давр савиясидан туриб қаралса, албатта, жуда катта воқеа бўлган.

Қолган гапларни ўқувчининг ўзи эсдаликлардан ўқиб олиши мумкин.

Абдусодик ИРИСОВ.

РАҲМДИЛ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОҲ ИСМИ БИЛАН

Аллоҳга мактovлар, оламлар Рабби ва унинг элчиси Муҳаммадга ва унинг оиласига ва барча дўстларига покликлар ва саломлар бўлсин.

Аммо байди билим эгаларининг виждони ва хотир эгаларининг олдida яширин колмасинки, мен таг-тугли Бухоройи шариф халқининг фидойиси Саййид Амир Олимхон — Бухоро мулкининг хукмрони эдим.

Ўз аҳволим ва бошдан кечиргандаримни ёшлик чоғимдан олиб борилган то Бухоро пойтахтида салтанат учун большевиклар билан олиб борилган жангларда бўлиб, ўзимнинг Қобул доруссалтанасига кўчишим воқеаларини таҳрир ипига тизиб ушбуда баён килдим, унга «Тарихи ҳузни милали Бухоро» («Бухоро халқининг ҳасрати тарихи») деб ном кўйдим, токим ўқувчилар ва унга кўзи тушган зотлар бу факирнинг баён қилган ҳолларидан ва Бухоро салтанати пойтахти ва унга тааллукли бўлган маълумотга эга бўлсалар ва большевиклар билан бўлган муҳораба ва Афғонистонга кўчишим сабабларини мутолаа килиб, унга инсоф назари билан боксалар.

Энди тил нутқини баён этувчи тўти бўлмиш — қаламни тилга киритиб, аҳвол баёнини ушбу битикда тараннум этадиган бўлсан, шундайки, бу банда¹ даргоҳи олий Саййид Амир Абдулаҳадхон ўғли Саййид Олимхон дор ул-фоҳира бўлмиш Бухоройи шариф хукмдоридурман. Мен ҳазрати падари бузрукворим салтанати қарор топган даврда диёнат илми ва ўрганилиши лозим бўлган билимлардан таҳсил қилганимдан кейин салтанат ва мамлакатни идора килиш конунларини эгаллаш мақсадида рус улуғларининг саҳоватидан фойдаландим. Шунда ўн уч ёшлигимда милодий йилнинг минг саккиз юз тўқсон учиди буюк шаҳаншоҳ бўлмиш падари бузрукворим ҳазратлари амру фармонлари билан бир неча мўътабар намакхўр-яқин дўстлар ҳамроҳлигида Петербургга боришга азм қилдим.

Тартиб-коида юзасидан у ер мактабларида етти йил ўқитилар

¹ Китобда муаллиф камтарлик ва одоб юзасидан ўз номини кам ишлатади ва барча жойда «мен» дейиш ўрнига «бу банда» деб ёзади. Биз ҳам шарқ услубидаги бу шаклни саклаб колиши максадида ҳамма ерда унинг услубидагидек килиб «банда» деб олник. Шарҳлар таржимонники.

эди. Бинобарин, падари бузрукворим истагига кўра таълимотни тезлаштириш максадида ўқиш мулдати уч йил деб карор қилинди. Бу уч йил орасида ёzlари мактаблар ёпилган кезлари Бухорога, падарим хизматига келиб-кетиб турадим. Шундай қилиб, мен уч йил давомида таълим олиб, мамлакат тартиб коидаларини биладиган даражада билим хосил қилдим, ўқишиларни тугатиб, имтиҳон топширдим.

Рус давлати улуғлари мени Бухоро давлати валиаҳдлигига мансуб бўлганлигим учун Бухорога кайтаришди. Шу билан мен милодий йилнинг 1896 йилида Петербургдан Бухоройи шарифга, зоти шахона Падари бузрукворим ҳазратлари даргоҳларига кайтдим.

Шундай қилиб, мен қиблагоҳим кўлларини ўпиб, доим у киши билан бирга бўлишга мушарраф бўлдим. Падари бузрукворим мени икки йил давомида ўз хизматларида ҳамрикоғ қилиб ёнларида олиб юрдилар. Мен қўл остимда бўлган мукадас ватаннинг ички ахволлари ҳакида баъзи бир таълимотларни у кишининг муборак тилларидан эшишиб тургандим; булардан мен кўп фойдалар кўрдим. Сўнг зоти шахона падари бузрукворим менга Бухоройи шарифга қарашли бўлган ўлкалардан бири Насаф² вилояти хукмронлигини марҳамат қилдилар.

Бу билан менга бахтиёрлик бахш этиб, шахона тўнларни кийдирдилар, хисравона хукмронлик тожини бошимга қўйдилар. Падари бузрукворим ижозатлари билан мазкур вилоятга азм айладим. Шундай мазкур вилоятнинг барча аъён ва хос кишилари менинг истиқболимга чиқиб кутиб олдилар.

Шундай қилиб, мен улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, улар илтифотидан бошим кўкка етди, уларга меҳру ҳурматимни билдириб Насаф вилояти қўргонининг ичига кириб бордим, барча каттакон бўлган одамларни муборакбод этиб, уларни ҳурсанд ва мамнун эттиридим.

Бу ожиз банданинг Насаф вилоятидаги хукмронлигим муддати ўн икки йил давом этди. Бу муддат ичида менинг ҳукуматим ҳамиша фақирпарвар ва ғарибнавозликка интиларди, мазлумларни золимлардан асрраб, ҳакни карор топдиради. Шундай қилиб, мазкур вилоят аҳолисини ўзимдан ҳурсанду мамнун эттирадим.

Мазкур вилоятга якин жойда Қашка деган шўх дарё окарди. Ундан камбағал бева-бечораларнинг кечиб ўтишида роҳати бузилиб, доимо ғам-ташвишида эдилар. Аҳолининг осойишталигини кўзлаб мазкур дарёга тошу темирдан³ бир кўприк курдиридим, кўприкни эса ўз номим билан атадим. Шояд факиру фукаролар сув кечиш ташвишидан кутилиб, тинчу осуда яшасалар, деб ўйладим. Шу билан яна бошқа бир қанча мадраса ва ибодатхоналар куриб, бу борада анчагина юмушларни юзага келтиридим.

² Насаф — ҳозирги Ўзбекистон жумхуриятидаги Қарши шаҳрининг қадимги номи. Тарихда бу шаҳардан кўплаб буюк сиймолар етишган.

³ Матнда тош ва оҳакдан деб ёзилган.

Бундан сўнг, хукм юритганимдан ўн икки йил ўтгач, зоти шохона падари бузрукворим мени дор-ул-фоҳира Бухоройи шарифга қарашли жойлардан бири бўлган Хўрок водийсининг Кармина⁴ номи билан машхур бўлган вилоят хукмронлигига кўчирди. Бу билан зоти шаҳона мени ўзларига яқин бўлган жойга олиб келдилар. Насаф вилояти хукмронлигидан Кармина вилояти хукмронига айландим. Мана шу зикр этилган вилоядта икки йил давомида хукм юритдим. Шу аснода зоти шаҳона ҳазрат Сайид Амир Абдулаҳадхон — менинг Падари бузрукворим тақдири илоҳий амри билан фонийлик оламидан бокийлик дунёсига риҳлат этдилар.⁵ Шунда иқтидор эгаси бўлмиш падари бузрукворим подишоҳ ҳазратларининг салтанати муддатига йигирма олти йил бўлган эди.

Шу билан мен 1329 начи ҳижрий йили муҳаррам ойининг ўнинчи куни, милодийнинг 1911 йили менга мерос бўлиб колган мархум ва мағфур падарим салтанати таҳтига ўтиридим. Бухоройи шарифнинг барча аҳолиси бу ожиз бандага хизмат қилмоққа қасамёд этдилар.

Таҳтга ўтирганимдан сўнг бу банда даргоҳи олийда мамлакатимнинг бир йиллик хирож тўлашдан озод килиш фармойишини бердим. Шу тариқа иш тутишим билан факир-фуқароларни кўп хурсанд қилдим, уларнинг бошлари кўкка етди.

Орадан бир йил ўтгач, элтуиш ва факирпарварлик тартибини ўрнатишга интилдим, Бухоро давлатида тартиб-интизом ва ободлик ишларини бажо келтира бошладим. Буюк ишларни барно ҳисобга саъӣ-ҳаракат этдим, мадрасалар, ибодатхоналар бино килишга киришдим. Барча илмларни ўргатиш борасида анчагина ҳаракат қилдим.

Бухоройи шариф аркининг яқинида, Балойи ҳавз дейилган жойда ўз номимга бир ибодатга масжид бино қилдирдим. Бухоро минорасининг паст томонида бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дор-ул-улум — Билим уйи бўлган бир мадраса курдирдим; ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истикомат киладиган талабалар сарф-ҳаражатлари, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим; уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вактда етказдирардим. Бозор ва йўл ободлигига кўп ҳаракат қилдим, уч йил ичida Бухоро мамлакати анча обод бўлди, унга зеб-зийнат ва тартиб-интизом ўрнатдим. Менинг саъӣ-ҳаракатимдан Бухоро аҳолиси ва бутун мамлакат мамнун бўлди.

Банда ўз ҳалқим учун қўлимдан келадиган хизматимни бажо келтирганимга шукур килардим. Бу бандайи ожиз Турон мамлакатида ўн йил давомида салтанат сурдим. Ўн йилдан сўнг, Совет давлатига карши курашдим, ниҳоят Афғонистон давлатига кўчдим.

⁴ Қармина — бу ном ҳозир ҳам шундай сакланган, баъзан Кармана сифатида ишлатилади. Хўрок эса ҳозир ҳам шундай.

⁵ Риҳлат этиш — нариги дунёга кўчиш, яъни вафот этиш маъносида.

БОЛЬШЕВИКЛАР БИЛАН БҮЛГАН МУХОРАБА ҲИҚОЯСИ

Большевикларга қарши қилган юришим ва Бухородан кўчишга ихтиёр этишимга доир барча сабаблар ҳикоясини мушоҳада юритувчиларнинг хотиралари учун буларни таҳрир ипига тиздим, токи бошимдан ўтган ахволотимдан ўзгалар ҳам хабардор бўлсалар.

Вакт келиб Бухоройи шариф давлати бувам, раҳматлик Сайид Амир Музаффархон даври салатанатидан то раҳматлик Сайид Амир Абдулаҳадхон мағфуру марҳум падари бузрукворим замонига ва ундан то бу бандайи ожиз салтанати муддатигача мана шу Бухорода ўтди. Бу орада ва муazzам рус давлати салтанати баркарорлигининг олтмиш уч йиллиги давомида бу томонларда дўстлик ва ошначалик юз бериб, икки давлат орасида дўстлик баркарор ва бардавом бўлди. Шу сабабдан рус давлати ходимлари билан Бухоро давлати ходимлари ўртасида келишув ҳам бўлиб ўтган эди. Келишувларда аскарлар ва ҳарбий куроллар Бухоро тарафидан қисқартирилиб, (Уни қўриқлаш учун) ҳарбий асбоб-ускуналар ва аскарларни рус давлати ўз зиммасига олган бўлди. Бухорода эса мамлакатни ҳимоя қилиш учун ўн икки минг аскар бўлишига карор килинди; мамлакатни ҳимоя қилиш борасида яна аскар лозим бўлса, рус давлати Бухоро давлатини кўллашга тайёр турадиган бўлди. Шу билан император давлати замони мавжуд бўлган қадар Бухоро давлати аскарлар ва ҳарбий куролларга ҳеч эҳтиёжи бўлмади, тинч ҳаёт ҳукм сурди, мен бўлсанам мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга интилардим. Бундан сўнг рус давлати инқилоби юз берди. Бу банда мамлакатни тартиб-интизом ва ҳавфсизлигига саъй-ҳаракат килдим.

Бинобарин рус жамоати ичидан бир қанча беасл бўлмагур жоҳил шахслар пайдо бўлиб, улар ўзларининг ҳазрат жаноб олийларигус давлати улуғлари орасига раҳна солдилар. Улар карор қабул қилишиб, одамларни мажбур қилишди. Бу беасл бўлган шахслар бу конун билан одамларни тўплаб, ниҳоят рус императорлик давлатини ўз салтанатидан ағдариб, ўз жамоасидан бўлган бир неча нафар одамларни каттакон қилиб қўйдилар ва ўз ҳукуматларини мувакқат шўро мажлиси деб атаб, Керенский⁶ деган одамни жумхuriят раиси мансабига қўтардилар.

Бу маваққат давлатлари бир неча ой давом этди. Мазкур Керенский ҳукумати тарафидан уларнинг Преображенский⁷ деган вакиларидан бири мухтор вазир килиниб, дорулфоҳира Бухоройи шарифга келадиган бўлди. Ниҳоят у киши шаҳарга кириб келиб, бу бандайи ожиз билан учрашди. Бу киши келиб гапга қулок бериб, икки давлат ўртасида келишув бўлди, шунда Бухоро давлати мустакиллигини бу ожиз бандага берди ва келишувга имзо ҳам чекди. Сўнг у кайтиб кетди.

⁶ Керенский Александр Федорович (1881—1970) — рус сиёсий ва давлат арбоби, окловчи. 1917 йили вактли ҳукумат раиси.

⁷ Преображенский — бу, Александр Григорьевич (1850—1918) ми ё бошқа шахсми, аниқланмади.

Бухоро давлати мустакиллик олганидан сўнг дўстлик ва ошнолик ипларини пайдо қилиш максадида Бухоро давлати номидан вазир Тўрахўжа ва мулло Қутбиддинларни Афғонистон давлатига юбордим. Бу аснода хожи Сафарбийни ҳам ўз намоёндам сифатида инглиз комиссиянга, Машҳадга юбордим. Комиссион ҳам юкорида эслатилган жавобни мувоғик кўрди. Сўнг мен большевикларга Бухорони бўшатиб қўйишсин, деган фикрни билдирам. Большевиклар менинг илтимосимга каршилик кўрсатишиди, улар инглиз аскари билан ҳам жанг қилдилар.

Бу борада Мирза Салимбек парвоначи ва Абдурауф карвонбошини инглиз аскарларига йўл кўрсатиш учун Чахоржў⁸ томонга жўнатдим. Лекин уларнинг Чахоржўига келиши пайтида инглиз аскарлар у ердан жўнаб колишган экан.

Бу орада Афғонистон давлати Бритониё давлатига карши уруш бошлаб қўйди, кейин муқаддас Бухоройи шариф давлатига афғон давлати томонидан генерал Муҳаммад Валихон мухтор вазир сифатида ташриф буюрдилар. У киши зоти шаҳона билан учрашмоқчи бўлиб, афғон амири олий ҳазратларидан кўпгина совға-саломлар келтирдилар ва бу бандай ожизга топширдилар. Мен мухтор вазир билан учрашдим. Бу сухбат асносида бандай ожизга унинг шахсий саволи ҳам бор эди, мен унинг жавобини айтдим. Менинг мақсад-ниятим шу эдик, мен большевикларга карши уруш киласам, зоро шу фурсатда душманинг ниҳоятда заиф экани кўриниб турибди. Шунинг учун вақтни ғанимат билиш керак, сўзсиз, бу-шундай, дедим. Мухтор вазир анча ақлли ва узоқни кўра оладиган шахс ҳамда ислом давлатининг хайриҳоҳларидан бўлганидан менинг саволимга шундай жавоб берди.

Афғонистон давлати билан сиз ҳар иккаловингиз биродарсизлар. Бирингиз Британиё давлатига карши бел боғлаб урушга қиришганда, сиз ҳам бу тарафдан большевиклар давлатига шундай йўл тутсангиз, худо кўрсатмасин, сизнинг воситангиз сабабли миллат хизматкори бўлган ҳар икки биродар ислом оламидан икки давлатни харобаликка олиб келмасангиз, деб кўрқаман. Бу ишни орқага суринг, шунда биродарингиз иши нима билан тугашини кўришингиз мумкин. Бундан сўнг бир-бирингиз билан бамаслаҳат ишюритсангиз, яхширок бўлади.


Рост, вазири аъзамнинг бу сўзлари жуда тўғри гап эди. Мен ўзимга бўлган яхшиликни шу билан билдим ва бу мулокотни анча вакт хотирамда сақлаб, сабрни ўзимга хунар қилиб олган бўлдим.

Муҳаммад Валихон Бухоро давлатидан рус давлати тарафига жўнаб кетди. Аъло ҳазрат афғон амири дўстликни мустаҳкамлаш йўлида Фазл Аҳмадхонни менга юборди. У икки юз нафар аскар, бир гурух оркестр, еттита тўўп, еттита филни менга юборди. Бу аснода элтутиш тадбирларини кўриб, Мувакқат жумхурият давлати Керенскийга бу бандай ожиз ўз тарафимдан ишончли бир кишини бир вафд-намоёнда тариқасида юбордим, янгидан келишув тузиб,

⁸ Чахоржў — хозирги Чоржў.



Амир Саййид Олимхон



Бухоро давлати мухри, нишони ва пуллари.

унга имзо чекиши истадим. Мазкур мувакқат ҳукумат бу қисқа фурсатда инқилобга йўлиқиб колди. Улар икки қисмга ажралдилар; бири меньшевик, бошқаси большевиклар бўлиб, иккала жамоа ҳам бир-бирига уруш эълон килдилар. Шу сабабдан булар иккалови ўртасида бир-бирига қарама-каршиликлар юз бериб, ниҳоят большевиклар қарор топишди. Шунда рус давлатида каттакон бўлганларнинг ҳаммаси ҳар хил мамлакатларга пароканда бўлдилар, у ерларда паноҳ топган бўлдилар. Большевиклардан бўлган бу жамоанинг тартиб-конунларини на кўриб бўлинди, на билиб бўлинди. Чунки ҳамиша бекарорлик юзага келди, бу жамоа ҳукуматни ҳароб этиб, мамлакатни вайрон қилишга йўл қўиди, динларни, ибодатхоналарни йўқ қилишди, мўътабар ва давлатманд бўлган ҳар бир гурух мол-мулкини босиб олиб, талон-тарож килдилар, ўзларини катл этишни ўзларига бурч деб билардилар. Уларнинг сўзларига ишонилмайдиган даражага келинди.

Бу вактда бу бандайи ожиз Бухоро ўлкасини тартибга туширишга киришдим. Бу борада анчагина саъй-харакат этиб, дуруст ишлар қилдим. Бу орада большевиклар жамоаси беасл конун-қонидаларни чиқариб, ёлғон-яшиқ ишлар билан, бузук йўл-йўриклини тўғри йўл деб билдилар. Шу тариқа иш тутиб, уларнинг бу тартиблари муқаддас Бухоро давлатига ҳам тарқалиб, бир мунча жоҳил ва илмиз кишилар беасл русия большевиклари йўл-йўригини қабул қилишди, ўзларнинг бузук ишларини жорий этишга ин-

тилдилар. Тахминан 117 нафар самарқандлик, тошкентликлар бирлашиб иттифоқ тузиши; бу жамоа ичидан чиккан икки нафар каттаконлари — Файзулла Хўжаев⁹ ва Мирзо Мухиддин Мансуров бузғун большевикларга ўз мақсадларини баён килиб, улардан ёрдам исташди. Большевиклар ҳам бу жадид бузғунчиларга кўмак бериб, темир йўли орқали номи Колесов¹⁰ деган кимсани Бухорога чақириб, 1336 хижрий жумоди-с-соний ойининг шанба кунида (1918 йил) уруш эълон килиб, Бухоро давлатига қарши юриш бошладилар. Аллоҳнинг инояти, пайғамбар шариатининг мадади билан ҳарбий куролларнинг камлигига қарамай, Бухоро ислом ахлига зафар кулиб бокди, бу банда ғалабага эришди. Большевиклар ўз мақсадларига эришолмай сулҳ тузишга розилик билдиришди. Бу банда сулҳ тузишни яхширок деб билиб, ахволни тузатиш мақсадида аҳд тузишга рози бўлдим.

Бу урушдан сўнг Ленин ва Троцкий томонидан большевикларнинг раиси сифатида Элиава¹¹ ва Брайдо деган киши муҳтор вазир бўлиб Бухорога келди. У киши бандайи ожиз билан сўзлашиб, Бухоро мустақилларини бутунлай менга бермоқчи бўлди, ҳамда ҳарбий курол билан ёрдам беришга ваъда берди, ҳатто юз йил олдин Бухоро давлатига қарашли бўлган ерларни менга қайтариб бермоқчи ҳам бўлди. Шу билан бирга эллик минг милтиқ, беш юз тўп-пулемёт, эллик аэроплан, эллик миллион сўм тилло тўлашга ваъда берди.

Совет давлати томонидан Аксельрод¹² деган киши Бухоро давлатига элчи қилиб тайин этилди, Афғонистон давлатига нисбатан дўстлик истеҳкомларини тузиб, Тошкентдан менга ўн битта ўқсиз тўп совға қилиб юбориши. Большевикларнинг муомалаларининг қандай эканлигини шу ўқсиз тўпдан билиб олдим. Бу ожиз банда большевиклар ва уларнинг элчилари муомалаларини келишувга мувофиқ иш олиб бормаганликларини кўрганимдан сўнг хаёлимга бир фикр келди. Шу сабабдан мен аскар ва ҳарбий куролларни тайёрлаш ишига киришдим. Икки йил ичida Бухоро ҳарбий аскарлар ва курол-асалаҳалар тўплаб, кўшинларни урушга тайёр туриш даражасигача олиб келдим.

⁹ Файзулла Хўжаев (1896—1938) — Партия ва давлат арбоби. Ўрта Осиёда совет ҳокимияти учун курашган, 1920 йилдан Бухоро ревкомининг аъзоси, ҳалқ ноизирлар кенгашининг раиси, 1922 йилдан Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюро-сийнинг аъзоси, 1925 йилдан Ўзбекистон ССР ҳалқ комиссарлар кенгашининг раиси, ССР Марказий ижроия комитетининг раисларидан бири.

¹⁰ Колесов Федор Иванович (1885—1940) Ўрта Осиёда совет ҳокимияти учун курашган большевиклардан, 1917—18 йилларни Туркистон муҳтор жумхурияти ҳалқ комиссарлари кенгашининг раиси.

¹¹ Элиава Шалва Зарабовиҷ (1883—1937) — совет давлат арбоби. У Вологда, Ўрта Осиё ва Кавказда совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашган, 1927 йилдан Закавказия ҳалқ комиссарлар кенгашининг раиси вазифасида ишлаган ва шу йили ССР Марказий ижроия кўмитаси президиумининг аъзоси бўлган.

¹² Аксельрод Павел Борисович (1850—1928) — революцион ҳаракатларда иштирок этган сиёсий арбоб, 1917 йили Петроград советининг аъзоси, бу ерда ёзилганиларга кўра, у советларнинг Бухородаги элчиси ҳам бўлган. Октябрь инцилотидан сўнг чет элга кетиб, Германияда вафот этган.

Большевиклар жамоаси ўз қонунларини бажо келтира бошладилар, аммо ҳар тарафдан меньшевиклар бош күтариб, уларга қарши чика бошладилар. Натижада улар большевикларни бекувват килиб, изтиробга солиб кўйдилар. Улар ҳар ерда Русиядаги темир йўлларни қўпоришарди, ҳамма жойда улар бош кўтариб большевик давлатини анча заиф килиб кўйдилар. Шунда бу бандайи ожизнинг хотирига шу нарса келдики, большевик жамоаси андак куч тўплай олса, албатта, у Бухоро давлатидан ўз қассосини олади. Бу вакт ўз аскарларимни харакатга келтириб, муҳорабага киришмокчи бўлиб турдим. Хоразм хукумати ҳам мен билан келишув ёлиб борди. Менинг кўл остимда бирлашиб, большевикларга қарши урушга истак билдирилар. Бу аснода большевиклар давлати кундан кунга ривожланиш томон юз ўгира бошлади, бу муомалалар билан вакт ўтаверди, борган сари улар кучая бошлади. Шу сабабдан бу бандайи ожиз яхши ниятлар билан келишувни янгилаб, унга имзо чекиши учун ўз тарафимдан бир неча кишилардан вафд гузиб, Ленин ва Троцкий кошига жўнатдим. Бу жамоанинг эътиборсизлиги ва оқибатсизлигини яхши билардим. Бордию агар унга карамай, бу хил баеasl ва беоқибат хукумат билан келишув кимсан, хориждаги буюк давлатлар наздида Бухоро давлатининг бадном бўлишига сабаб бўлар эди. Бундай хаёлларни ўзимдан узоклаштириб, мақсад ва муддаосиз, муросасозлик ниятида инқилоб замонини муборакбод этиб беш кишини: генерал Маҳдихон, Ҳожи Жўрабек тўқсоба, Файбулло Хўжа, Ҳожи Мирзо, Мирза Наврузбей ва яна бир нафар бошка кишини Ленин ва Троцкий кошига Москвага юбордим.

Шуни айтиш етарлики, Бухоро давлати андак вакт ичилда зарур ҳарбий чораларни кўриб, бирозгина тартиб-интизом ўрнатгач, ислямда ҳаммазҳаб¹³ бўлғанлиги жиҳатидан бир-бирига меҳрибонлик билан қараш оқибатида икки биродар (Афғонистон ва Бухоро) бир тану бир жон бўлиб қолди. Афғонистон давлати билан дўстлик аҳди тузилди. Шу жиҳатдан большевиклар жамоаси унга раشك билан қарадар эди. Бордию агар аста-секин Бухоро ҳам зўрайиб тартиб-интизом даражасига эришиб қоладиган бўлса, бизнинг жумҳурият давлатимиз паришонҳолга тушиб колиши ва ранжу кулфатга мубтало бўлиши турган гап, деб ўйлашди. Ваҳоланки, бизда етишмовчиликлар бор. Ана шу камчиликларни бартараф қилиш учун каттиқ киришиб, ўзимизни бу кийинчиликлардан холос қилишимиз керак.

Бундан сўнг большевикларнинг Бухоро давлатига бўлган муомаласи кундан кунга ва борган сари каттиқлаша борди. Улар Бухоро давлатига гайри қонуний талаблар қўйиб, уларни ижро этилишини талаб қиладиган бўлишиди, улар қандай бўлмасин, бир амаллаб уруш бошлашни ўзларига хунар қилиб олишди. Улар ўринсиз равища бухоролик фукарорларни йўл-йўлакай тутиб, уларни

¹³ Ҳаммазҳаб — Афғонистон ва Ўрта Осиё ҳалклари суннитлардан бўлган, дейилмокчи.

камаб кўйишарди, нихоят, ислом давлатининг бу душманлари анчагина аскар ва қурол-яроғлар тўплаб, кўккисдан Бухоройи шарифга хужум қилишни истардилар. Бу бандайи ожиз ўз душманига қарама-карши туришга муҳайё бўлиб турди. Ҳар томондан одам тўплаб, Бухоронинг Когон темир йўл станциясида қуролланган ҳолда тайёр турдик.

Большевиклар бу орада кўп ҳийла-тадбир кўллашга, гўё дўстлик либосларини кийгандек бўлиб, аслида макру ҳийла тадбирларини ишлатиш йўлига, маккорлик йўлига ўтдилар. Гўё сулҳ тузиш учун Баранов¹⁴ деган ташки ишлар вазири бўлмиш бир кимсани фав-кулъодда элчи қилиб, Тошкентдан Бухорога юбордилар. Мухтор вакил бу бандайи ожиз хузурига келиб учрашиди. Шу киши узр баён этиб, гаплашди, гапларимизни эшитиб, биз билан келишиди. У киши илтимос қилиб айтдики, рус давлати эллик беш йилдан бери Бухоро давлати билан дўстлик ва ошначиликда бўлиб келди, то шу пайтгача бизнинг давлатимиз Бухоро давлатидан барча манфаатларни кўриб келмоқда, шу билан бирга икки давлат ўртасида бу орада хеч қандай бир-бирига зарар кўрадиган ишларни бажо келтиришмади. Истардимки, бугундан кейин ҳам бу икки давлат ўртасида дўстлик ва ошначилик гуллаб яшнаса ва бизга ҳам сизнинг давлатингиздан ёрдам ва манфаат тесса. Сизлардан бизларга ҳар қанча хизмат бўлса, бизнинг жумхурият давлатимиз уни ўрнига кўйса. Лекин сизлардан бир илтимосимиз бор, ўз аскарларингизни бизнинг темир йўл станциясидан олсангиз, чунки биз уни ўзимизга истеҳком килмоқчимиз. Бизнинг аскарларимиз вахший ва нодон одамлардир. Мабодо сизнинг аскарларингизни кўриб колса, унга тўқнашиб колиб, сиздек зоти шаҳона олдида бизни уялтириб кўйишади. Бу борада сиз нимаики истаб, унга хошиш билдирангиз, ўша айтганингизни бажо келтирамиз.

Шу тарика у билан гаплашиб, гапларини эшитиб, келишув туздик, унга имзо ҳам чекдик. Шу билан у ўз жойига қайтиб кетди.

Большевиклар йўл тўсив кўлга киритган бир қанча фукароларимизни бўшлатиб, йўловчиларни кўйиб юборишиди.

Шу билан бу бандайи ожиз аскарларимни рел¹⁵ тарафдан учмилча¹⁶ йўлдан олиб орқага чекиндик, у ёрда бир истеҳком ҳам қурдик, сўнгра бу манзилга кирк нафардан иборат аскарлардан коровул кўйдирдим. Ҳар эҳтимол, бу нарса душман сиқиб келганда шояд фукароларга мадад бўлиши мумкин эди. Аммо душманларимиз бу найранг билан бизни гафлатда қолдириб, мисоли бир йўлтўсрарлар каби, уруш эълон қилмасдан хижрийнинг 1339 йили (1920) зулҳижжа ойининг ўн бешида якшанба кечаси соат ўн иккита сокчилар ва кўрикчилар устига хужум қилиб келиб, ўша

¹⁴ Баранов Пётр Иванович (1892—1933) — совет ҳарбий арбоби, Туркистон фронтида ҳамда бошқа жойларда инкилобий ҳарбий кенгаш аъзоси.

¹⁵ Матида «г’ю», «ёй», «слом» ёзилган. Бу, Рел (рельс) — темир йўл изи.

¹⁶ Мил — 4000 тирсак, икки км.

ерда темир йўл атрофига кўйилган барча коровулларни, тахминан, юз эллик нафар кишини банди килдилар.

Шу тариқа улар Бухоро аскарлари устига ёпирилиб келиб хужум уюштиридилар, шу билан урушни бошлаб юбордилар. Натижада вакт ярим кеча соат иккода анча аскар ва харбий қуроллар жамлаб, тўп отиш ва ўқ ёғдириш билан бирга темир калконли аравалар — броневиклар, темир қопланган моторлар — бронепоездлар билан уруш бошлаб юбордилар. Улар ўн битта тайёра билан Бухоро шахри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёғдиридилар. Бу бандай ожиз ўз аскаримни мажбуран олдинга — фронтга чикариб, ихтиёрни тақдирни илохийга топшириб, тўрт кечаю тўрт кундуз урушдик. Бу уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўқка тутиб, кўп талафот етказди. Мусулмон бечоралар душман дастидан мол-дунёсини, ўз фарзандларини ташлаганларича, нима қилишларини билмай, ҳар томонга коча бошладилар. Шунга қарамай, бу бандай ожиз тўрт кечаю кундуз душманга карши урушдим, каттиқ жанг қилдим. Тўп ўқларининг кўплиги, бомба ёғдиришлар, талафот ва харобаликлар Бухоро шахрида ортиб кетиб, камбагал бева-бечораларни каттиқ ташвишга солиб қўйди. Шунда ўзимча ўйладим. Бу бандай ожиз ушбу Бухоройи шариф шахаридан кўчишини ихтиёр этсам, шояд шу сабабдан харобаликка бўлган сабаблар йўлини тўсиб, факиру фуқаро бечораларни бу жабр-ситамлардан озод қилсан ва осойишталик баҳш этсам, деган андишада чахоршанба куни тушдан кейин соат тўртларда фойтунга ўтириб, мисоли ҳазрат Пайғамбар алайхиссалом суннати бўлмиш хижрат каби¹⁷ кўчишини ихтиёр этдим. Шоҳлик боғи саналган Ситорайи моҳи хоссадан¹⁸ чиқиб, Тумон Комот ва Хирқонрўд, яъни Фиждувон тарафга равона бўлдим. Бу вактда менга афғон элчиси ва бригад саркарласи Абдушукрхон ва Афғонистоннинг Тошкентдаги элчинининг ов бошлиғи Мухаммад Асламхон, афғон харбий қозиси (атташеси) ва йигирма беш минг нафардан иборат Бухоро хизматчи ва аскарлари, шунингдек, афғон аскарлари ва мансабдорлари менга ҳамроҳ бўлишди. Биз Фиждувон туманига етиб келиб, бир кечани ўша ерда ўтказдик.

Менинг кўчишимни эшитиб факиру хотин-халаж, бола-чакалари билан йиғлаб, нола қилишиб, менинг изимдан тушиб, панжшанба куни кечкурун ўша зикр этилган Фиждувонга, кўнокжойимга етиб келишибди. Улар тахминан ўн минг нафардан ортикроқ эди. Ҳаммаси йиғлаганча келишди, худди киёмат кунини кўз ўнгимда келтиргандек бўлдим. Улар ўзларини ерга уриб, қанча-қанчаси бу ғамандух ва жудоликка чидай олмай тақдирни илохий билан ҳакка жон таслим қилиб, худойи таоло раҳматига эришдилар.

Бу бандай ожиз шу ахволда алам етган барча бечораларга насиҳат этардим, кўнгил кўтарадиган сўзларни айтиб тасалли бе-

¹⁷ Бу ерда амир Олимхон Бухорони тарқ этишини худди пайғамбарнинг Маккани тарқ этишга мажбур бўлиб, Мадинага кўчганини киёс қиласпти. Пайғамбар ҳам шундай кийин ахволда Маккани ташлаб чиқиб кетган эди.

¹⁸ Амирнинг ёёги дам олиш жойи.

пардим. Хар бир бечоралар ҳаккига дуо килардим, ўзим ҳам ундей факиру фукаролар дуосини олардим. Шу билан нима қилишимни билмай, маюс, нимагадир мунтазар бўлиб қолдим. Шу билан Бухоронинг шаркий томонини истаб қолдим, натижада саккиз кун деганда Бухорога қарашли Қўргонтепа деган жойга етиб келдим. Унда бир ўн кунча турдим. Гиждувон муюлишида ногаҳон бронепоезд вагони пайдо бўлди ва йўлни тўсиб қўйди. Шу пайтда бир неча нафар менинг атрофимдаги одамларим, чунончи, Усмон қушбеги, қозилар қозиси Бурхониддин, раис Абдурауф карвон-боши, Юсуфбей Муқимбий кўлга тушиб қолдилар. Душман йўлини тўсиш ниятида мазкур вилоятда истехком куриш тараддудини кўрдик. Бу иш учун аскар ва фукароларни тўплаб Бойсун вилоятига қарашли Бандар деган жойдан Дарбанд деган жойгача душман олдини олиш учун истехком килдик, ўша ердан уруш бошлишини ўйлаб қўйдик. Кейин Бухоронинг шарки бўлган Ҳисор вилоятига келиб турдим. Ҳисор вилоятида большевикларга қарши олти ой давомида қураш ва жанг олиб бордим.

Жанг бошида ҳарбий вазир тогам Муҳаммад Саидбек парвоначи ва уруш кўмандони Абдулҳафиз Парвоначи, Иброҳимбек бий аскар бошликлари эдилар. Шу билан олти ой давомида қураш ва жанг юз бериб, охийри большевиклар жамоаси ўzlari пайдо қилган мазкур урушга мажбур бўлишиб, Москвадан анчагина аскар ва ҳарбий куроллар йигиб келдилар. Шу билан улар бирдан ислом лашкари устига ҳужум бошладилар. Ислом аскарларида ҳарбий анжом ва қуроллар кам бўлғанлиги жиҳатидан ўн кун давомида урушиб, жанг қиласидилар, сўнгра бу бандай ожиз ёрдам ва мадад сўраш ҳаракатида хорижий давлатларга мурожаат қилдим. Сўнг Ҳисор вилоятидан Кулоб вилоятига ўтдим. Бу вилоятда Мулла Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги ва Давлатмандбек девонбеги — булар Бухоро шарқидаги ўзбеклардан эди, ўzlari Бухоро давлатига садоқатли бўлиб, анчагина лаёкатли хизматлар, жонбозликлар кўрсатиб қўйишган эди, ҳамда бу бандай ожизнинг кўнглидагини топган ҳам эди, уларни лашкарбошиликка тайин этдим. Улар иккаловини ҳузуримга чорлаб, сипориш бердим:

«Бу бандай ожиз доруссалтана Кобулга бориб, мадад ва кўмак олиш тараддудига киришай. Агар бу ердан чиқишим сабабли бизга бирор кўмак ва ёрдам тегса, уни бажо келтириб келгунимча, сизлар ўз аскарларингизни душманга қарши қўйиб туринглар. Ҳозир душман ҳужуми кўпроқ бўлиб туриби, агар унга бас келиб турмассангиз, факиру фукаролар ташвиши ортади. То мен қайтиб келгунимча, факиру фукаролар осудаҳол кун кўриб туришса», дедим.

Мен амр-фармон чиқариб, уни муайян жойларга юбордим. Муҳаммад Иброҳимбек билан Давлатмандбекка менинг ўша рухсларим билан иш юритишга, душман йўлини истехком килиб туришга буюрдим. Мен ўзим бўлсан, Қўлоб вилоятининг усти билан Амударёдан ўтадиган жойдан 1339 йилнинг (1921) жумадуссонийсининг йигирма иккисида, чаҳоршанба куни дарёдан кечиб ўтиб, Афғонистон тупроғига дохил бўлдим.

Афғонистоннинг чегарасида тартиб-интизом сакловчи маъмури ўз аскарларини тизиб, бизни кутиб олишга пешвоз чиқди, бизга салом бериб Абдуназарбеки деган жойга карашли бир кишлоқда тайёрлаб қўйилган кўнок жойга тушдим. Мен бу ерда истироҳат килиб ўша ойнинг йигирма учидага панжшанба куни ўша жойнинг рустоки — марказига етдим. Юкорида зикр этганим Мухаммад Аъзамхон тахминан уч юз нафар аскарини саф тортириб, менинг истиқболим шарафиға ўн бир бор тўп отиб, қарши олди. Шу тариқа мен рустоқнинг ичига кирдим. Икки кунни ўша ерда ўтказдим. Менинг бу ердалигим хабарини Катафан хокимиға билдиригдим, кейин мазкур ойнинг шанба куни Катафанга азм этдим. Ҳукумат ноиннинг ўғли ўша вилоятнинг бир неча нафар мўътабар кишилари билан бирга менга пешвоз чиқдилар, ўша аснода улар бу бандайи ожиз билан учрашиб, менга ҳамроҳлик қилдилар. Шу билан дорул-ҳукуматга равона бўлдик. Мазкур ҳукумат раисининг ноиби — губернатори Мухаммад Акбархон ва бош кўмандон Бинбинхонлар аскарий маросим билан бир фарсах¹⁹ йўлга пешвоз чикиши, йигирма бир бор салом тўпи отишиб мени музика билан кутиб олишиди. Шундай килиб, жумадуссонийнинг йигирма тўккизида чаҳоршанба куни Катафан дорул-ҳукуматига кириб бордик. У ердаги Ҳаёт-ул-обод деган шаҳона боғда дам оладиган бўлдик. Шу билан ўттиз беш кун ўша ерда ором олдим.

Бу орада афғон амири олиҳазрат Омонуллахон тарафидан Мухаммад Асламхонни Миршикор²⁰ сифатида бу бандайи ожиз хузурига юборди. У киши бир қанча вакт мен билан бирга бўлиб, кўп меҳмоннавозлик қўрсаатди. Бинобарин, амир ҳазратлари менга тасалли бериш мақсадида ўз тарафидан менга хат йўллаб, мени у билан учрашишига ва юз берган бесаранжом ахволни бартараф килишимга Дор ус-салтана бўлмиш Кобулга, ўз наздига таклиф қилди.

Бу бандайи ожиз Амударёдан Афғонистон тарафига кечиб ўтётганимда, Бухоронинг энг мўътабар навкарларидан тахминан уч юз нафари менга ҳамроҳ эдилар. Шу билан бирга ҳар бир ўша эслатиб ўтилган дарё гузаргоҳида тахминан бир лак²¹ нафар одамлар ўтиб, хузуримда тўпланишар эдилар. Бу жамоадан тахминан беш юз нафарини, шу жумладан энг кўзга кўринган Бухоро ахолисдан ўзимга йўлдош килиб олиб, колганларини Афғонистонга карашли турли-туман ерларга тайинладим. Ўзим бўлсанам, ўша беш юз киши ҳамроҳлигида доруссалтана Кобул томон юзландим.

Шу билан бир неча кун йўл юриб, ниҳоят, 1339 ҳижрий йили саккизинчи рамазонда, чаҳоршанба куни Дор-ус-салтана бўлмиш Кобулга етиб келдим. Ниҳоят, бу бандайи ожизнинг ором олиши учун кароргоҳ килиб тайёрланган шоҳлик боғи бўлмиш — Муродбеги қалъасига, бизга ажратилган ерга ўрнашдик.

Олий ҳазрат афғон амири тарафидан чамаси ўн нафар вазир ва

¹⁹ Фарсах — бир фарсах, уч мил, яъни ўн икки минг метр.

²⁰ Миршикор — Мир, амирнинг кисқаргани, яъни кишини улуғлаб айтиладиган сифат, ширкор — ов, яъни миршикор — амири ширкор, ов амири.

²¹ Лак — юз минг нафар.

амирлар мазкур бокка келишиб, бизни кутиб олишиди. Сүнгра афғон амири бу бандайи ожизни канча-канча нафар мұльтабар кишилари келиб, биз билан учрашылар ва биз амир билан бир-биirimизни күриш шарафиға мұяссар бўлган бўлдик. Шу тарика мен Афғонистон давлатида бир ой давомида меҳмондорчилликда бўлдим. Бир ой ўтгандан сўнг менинг сарф-харажатимга хар ойга ўн икки минг кобул руниясидан ойлик тайин килишиди.



Генерал Хожи Юсуфбек.



Амир Абдулахадхон.

Бу бандайи ожиз ўз ишимни сарышта қилишта интилдим. Бино-барин, Аллоҳнинг иродасига мувоғиқ тарааддулларим тақдир насибасига эришимади, менга мадад ва ёрдам етиши назардан узок эди. Шу сабабдан тақдирни илоҳийга розилик бериб. Дор-ус-салтана бўлмиш Кобулда туриб колдим.

Нихоят, мен у ерда туриб колини иhtiёर этдим, зоти шаҳона олий ҳазрат афғон амири Кобулнинг жануб килемидаги Фату деган боғни менга ишъом этиб, менинг сарф-харажатимга бериладиган ўн икки минг рунияни ўн тўрт мингу беш юз руния қилиб тайин этдилар.

*

Мен вакт-соати этиб Бухоро тупроғидан Афғонистонга ўтган кезларимда бодыневиклар жамоаси келиб, Мухаммад Иброҳимбек Девонбегига қарши тавсиф этилган урушга киришиб, шу тарика бир неча кунлар ўтди. Нихоят, куролт-яроғнинг озлиги, душман хужумининг кўилиғи жиҳатидан мазкур лашкарбошнинг аскарлари хар тарафига янириниб, кўздан гойиб бўлдилар. Душман бўлса бу хотда тарааддултаниб колди. Улар хар тарафда бор бўлган

фукароларни тутиб олавердилар. Улар ортиқча зулму истибдодини хаддан ошириб юбордилар.

Мулла Иброҳимбек Девонбеки ўша тавсифланган лашкаро боши бўлганидан ўз аскарларини тўплаб, улар ҳол-аҳволини кўриб охис-та-охииста ишга киришиб, қайси кишлопка душман кириб жойлашган бўлса, уларни топиб, устига хужум уюштирилди, натижада анчагина ҳарбий курол-яроғларни тўплади. У фукаролар ва мазлумларга хабар бериб андак фурсат ичидан бир ўн минг нафар аскар тўплади, шу билан Кўлоб ва Балчувонга хужум килиб, бу икки вилоятни душман кўлидан халос килди ва сарф-харажатини топиб, Кобул доруссалтанасига бу бандай ожизга ўз ахволи ва кайфиятларини битиб, ўзининг бир неча аскарлари, сардорлари ҳамроҳлигига менга юборди. Мазкур шахслар менинг хузуримга етиб келиб, Мулла Иброҳимбек ахволи ва кайфияти хабарини менга етказди. Бу аснода Иброҳимбек Девонбекининг ўзи Қаротегин ва Дорвозд вилоятлари устига хужум килиб босиб борди ва бу икки вилоятни ҳам эгаллади. Ўзининг бу кайфиятларидан мени хабардор килгани одам юборди. Иброҳимбекнинг бу ғайрат ва мардлигидан анча мамнун бўлдим. Ўз тарафимдан Иброҳимбекни айтганим юкори мансабга кўтардим. Мухораба учун маълум буйруклар чикариб, мухорабани давом этдиришга ижозат бердим.

Иброҳимбек бўлса ўша тавсиф килинган етти йил давомида большевикларга қарши мусулмон ҳалки ва бу бандай ожизни деб уруши килди, жанг асносида қаҳрамонликлар кўрсатиб, унинг якунларидан ҳамишә мени хабардор этиб турди.

Шундай килиб мулло Иброҳимбек ўша тавсиф этилгандек, мендан буйруқ олгандан сўнг ўз лашкарларини кўлга киритиш учун уларнинг барчасини жамлаб, Ҳисор вилоятининг устки кисмига отланиб бориб, душман билан анчагина юзма-юз бўлди, у билан жанг килди, ҳарбий курол ва ҳазиналарини ўлжа килиб олди, ҳаттоқи Ҳисор вилояти аркини қуршаб олди. У доимо бу бандай ожизга ўз ахволидан хабар бериб турарди. У худди мужоҳидларча²² хизмат килиб, ўз ишидан бизни огохлантириб турарди. Шунда бу бандай ожиз ислом йўлидаги мужоҳидлар учун юкори мансаблар, даража ва шонларини кўтариш учун муҳрим ва имзом билан буйруқ юборардим. Ҳар гал ҳол сўраш учун ўз тарафимдан Кобул доруссалтанасидан бир — икки нафар одам юбориб ҳолидан хабар олардим. Шундай килардимки, менинг тарафимдан боргандар ҳол-аҳвол сўрашиб қайтиб келишарди; Иброҳимбек ҳам ўз ишини ҳеч маҳал менинг ижозатимсиз килмасди. Шу аснода Иброҳимбек Ҳисор вилоятини ўраб олган бўлади. Бухоройи шариф тарафидан турк Анвар пошшо²³ йигирма етти нафар турклар билан

²² Матнда: мужоҳидон; мужоҳидлар — пайғамбар давридан ислом дини учун курашган фидоийларга нисбатан ишлатилган сўз. Жиҳод — мукаддас урушга киришиш маъносида. Бу ерда ҳам ватан учун мукаддас урушга киришиш назарда тутиб айтиляпти.

²³ Анвар пошшо (1881—1922) — турк сиёсий ва давлат арбоби, генералларидан бири, умрининг сўнгги йилларида Ўрта Осиёга, хусусан, Бухорога келиб, бирмунча фаолият кўрсатди. У шу ерда бўлган жангларда ҳалок бўлди.

Бухоронинг шарқ тарафидан Кўрғонтепа вилоятида мужоҳид аскарларига яқин келади. Шунда маъзкур аскарлар Анвар пошшонинг бу келиши кайфиятини мулло Иброҳимбекка хабар берishiбыди. Шу билан бу лашкарбошимиз²⁴ бу маънодаги гапни бу бандага хабар килади. Ахволга кўра кандай сиёсат юргизишни у менинг фикр-мулоҳазамга ташлайди. У кайфиятни, доно бир тадбир ишлатиш йўлни ва хусусан мусулмонлар халифаси бўлмиш Сulton Rashodxon²⁵ хақида ҳам ёзиб юборди. Мен бу хабардан огох бўлиб, Иброҳимбекка фармон йўлладим. Унда Анвар пошшони душман билан курашда ўта соҳиби тадбиркор эканини, унга сиз олижаноблик кўрсатишингиз лозим. Ўз ёнингизга чорлаб сўранг, агар ислом миллатига хизмат килишга истак билдирса, бизчинг зоти олийимиздан ваколатан улуғвор ва олижаноб хизматларини деб, дарёдан ўтказиб, бу тарафга равона килиб юборинг (деб ёздим).

Бу банданинг фармони юзасидан Мулло Муҳаммад Иброҳимбек мужоҳид аскарларни тўплабди, уни кутиб олиб, олийжаноблик кўрсатиб, Анвар пошшони ўз ҳузурига чорлабди. Нихоят, унинг шахсий мақсадини сўрагач, Анвар пошшо ислом халқи учун хизмат килишни истагини билдирган, шу тариқа биз айтган Иброҳимбек ўша айтилган Хисор вилоятида ҳужум уюштириб, истагига эришди, мазкур вилоятдан анчагина ҳазина ва ҳарбий қурол-ярогларни кўтга киритди. Бу вилоятни ўзига марказ килиб олади. Дехнав²⁶ вилоятининг юқори қисми бўлган Бойсун, Ҳузор²⁷, Шеробод, Қаршида ҳаракат килиб, ўз кайфияти ва ахволи ҳаўида бу бандайн ожизга маълумот бериб турди. Мен бўлсан ўз тарафимдан Иброҳимбекни сифатлаб бир китъа ризонома ва бир Куръони шариф ҳамда бир зардор расмий тўн марҳамат килиб юбориб, ҳурматини бажо келтирдим, бошини кўкка кўтардим.

Бухоро шаҳри теварак-атрофи ва Бухоро туманлиги Иброҳимбекнинг кураши хақида хабардор бўлганидан Бухоро шаҳри атрофидаги фуқаролар, Гиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфар, Вағонза, Коракўл туманликлари ахолиси ва фуқаролари, таҳминан, ўн беш минг нафар одам тўплаб, бу бандайи ожизга табиълик ва фидокорлик билдирган. Буни менга мулла Иброҳимбек бир хатга битиб, бу бандайн ожизга юборди. Мулла Иброҳимбек уларнинг арзи колларини айтиб, мендан сардорлик килишимни илтимос килган. Мен Абдулқаҳхор деган менинг бир мўътабар ҳамсухбатимни бухоролик фидокор фуқароларга йўловчи сардор килиб тайинлашга карор килдим.

Шунда мен ўз тарафимдан ўша жамоадан бўлмиш бир канча одамларни саркор килиб тайин этдим, ўз номимдан фармон битиб юбордим, Зеро мулла Абдулқаҳхор менинг руҳсатномамни олиб,

²⁴ яъни Иброҳимбек.

²⁵ Турк сultonни Муҳаммад бешинчи Rashodxon (хукмронлиги 1909—1918 йиллар ораси).

²⁶ Дех — қишлоқ, нав — янги маъносида, Дехнав — янги қишлоқ дегани. Ҳозирги Денов.

²⁷ Бу балки ҳозирги Fuzordir.

Бухоро шаркига, ўша Мулло Иброхимбек даргохига етишган, у билан учрашиб, у ердан Бухоро тарафига ўтиб, у ердаги Бухоронинг фидокор фукаролари жамоасига етишиб, менинг номидан мазкур жамоадан хол-ахвол сўрашган, бундан сўнг улар тадориклар килишиб, большевикларга қарши жанг бошлайдилар. Миллатга жонфидолик кўрсатиш бир мақсадга айланди, Худо хоҳласа, Бухорий шарифнинг дин йўлидаги жанг ва фидокорликлари, жонбозликларини таҳрир ишнига тизмокчиман.

Энди Анвар пошшога келсак, у Бухоро шаркида Иброхимбек ёнида бир йиї давомида динга эътиқод ва садоқат-ла хизмат килди, бу аснода Бухоро шаркидаги бир канча вилоятлар қўлга киритилди, Бухорони душман кўлидан халос килинди.

Иккинчидан, Мулла Иброхимбек Бухоронинг шаркида яшайдиган фукаролар билан келишиб, бу бандай ожизни сўраб олий ҳазрат Афғонистон амирига арзихол килишди. Ўзлари тарафидан саккиз нафар вакил тузишиб, Кобулдаги доруссалтанага юборишиди. Зинр килинган вакиллар Кобулга кириб келишди, улар афғон амири хузурида бўлиб, унга мурожаат килишди.

Афғон амири арзу ҳолни эшидти ва уни маъқул топди. Шунда Анвар пошшо бу борада фикр баён қилиб колди: унингча, хозир душман истехком йўлининг асосий қисми Бухоронинг шаркидаги кўрғон деб билиш — бу тўғри эмас, зероки бизнинг рӯпарамизда турган душман ер юзидағи буюк давлатлар кабул килган хайларо конунларни инкор килади. Биз хамиша урушга боғланиб колганмиз. Худо хоҳласа, кулаг фурсат келиб, Бойсун вилоятини эгаллаб, ўз тасарруфимизга киритсанак, чегара жойларимиздаги калъаларимизни ўзимизга истехком килган бўлардик. Шундай кейингина ўз подшоҳимизни келтириншимиз мумкин. Шу ислоҳ билан Бухоро шаркининг вакиллари ўз жойларига кайтмоқчи бўлдилар.

Олиҳазрат афғон амири вакилларнинг ҳар бирига, анчагина шафқат меҳрибонлик кўрсатиб, хурсанд қилишиб, уларга кайтишга руҳсат бердилар. Мазкур вакиллар ўз жойларига кайтиб кетдилар. Бу кайфиётдан сўнг, 1345 хижрий, зулхижжанинг ўнинчисида Анвар пошшонинг шахид бўлганни маътум бўлиб колди. У Балжуоннинг юкори қисмида бўлган жангга кириб, ийди қурбон куни шахид бўлиш даражасига етишиб. Унинг жасади Чакан мавзеида Ҳазрати Султон деган ном билан машҳур бўлган зиёратгоҳ жойга дағи этилди. Шу куни Давлатмандек²⁸ ҳам шоҳид бўлган эди.

Шарқий Бухорода Давлатмандек айғокчилари душман томонга ўтиб, хабардор бўлишса, большевик жамоалари канча вакт тайёр гарлик олиб бориб, аскар тўпламоқчи бўлган, иккинчидан, 1925 миёлодий йиғли Бухоро шаркининг лашкарбошиси Иброхимбек устига кўккисдан хужум бошлаган, шу билан йигирма беш кун давомида икки ўргтада пайдар-пай урушу кирғинлик юз берди, кечаю кундуз жанг бўлиб, мисоли конли Сайхундан кечиб ўтилди²⁹.

²⁸ Бухоро давлатининг ҳарбий вазири.

²⁹ Сайхун — Сирдарё, бу билан муаллиф қаттиқ жанг бўлганлигини ва конлар дарёдай окканини айтмоқчи бўлса керак.

Бу уруш пайтида Мулла Иброхимбек ўша тавсифли ғалаба козонди, бир канча түп ва пулемёт ва 1800 бешотар милтик, уч юз минг бешотар милтик ўки, иккита темир копланган мотор — броневик, икки дона аэроплан осмондан уриб тушириб қўлга олинди. Аэропланнинг ичидаги канча маузер тўппончаси бўлиб, улар хам ўлжа килинганди. Буларнинг ҳаммасини муфассал килиб битиб, бу бандай ожизга маълум килишди. Большевиклар ўз истакларига эришолмайди. Улар бироз нафас ростлади.

Юкорида зикр этилган Иброхимбек бўлса мамлакатни тартибга тушириш, ўз аскарларини тузиш иши билан банд бўлди. Бир канча вакт ўтгач, 1345 хижрий йилининг бошларида Мулло Иброхимбек Шаркий Бухоронинг мужохид аскарларига тартиб бериб, уларни тўплаб, Бойсун вилоятининг юкори кисмига бориш азмида эди.

Бу аснода большевиклар Даркаднинг юкорисидаги Амударё бўйларида ўз аскарларини жамлаб Афғонистон давлатига қарши қаратди; чегара масаласида бир-бири билан гаплашишди, бир-бирини эшлишишди. Бу икки зикр этилганлар орасида ишлар андак таранглашиди. Иброхимбек бу хабарни эшлишиб, Бойсун юкорисига бориш ниятидан кайтди. У ўзининг бир неча нафар саркардалари билан ярим аскарини Бойсун тарафига равона этиб, ўзи ўн беш минг аскар ҳамроҳлигида афғон давлатига ёрдам бермоқ ниятида Афғонистон чегарасига яқин ерда, тоғ тегига келиб турди. Бу ерда у кирк кун давомида кутди. Шундан сўнг Афғонистон билан большевиклар ўртасида муомалалар бир ёкли бўлди, ўзаро келишишишди. Иброхимбек бу хабарни эшлишиб, ўз жойига кайтиши ниятига тушди. Большевиклар унинг бу ахволидан хабар топишиб, йигирма беш минг нафар большевик аскари бир неча томондан Иброхимбек аскарлари устига ҳужум килишга тушди. Шунда беш кечаку кундуз давомида жанг бўлди, икки тарафдан кўп одам ўлимга дучор бўлди. Душман ҳужуми ортаверганидан мужохидлар аскарлари ҳар томонга таркалиб кетиб, Иброхимбекнинг уч юз нафар навкари большевиклар орасида бўлган жангда ўзи колиб, ахволи танг бўлди, нихоят, Иброхимбек ўз оти жиловини Амударё сувига бурди, дарёдан у Афғонистон тарафига ўтди. Сўнг у бу бандай ожизга ўз ахволи, кайфияти, кураши ва ўша маълум дарёга бурилгани, ташлангани ҳакида мени хабардор қилди.

Афғонистон давлати Иброхимбекка одам юбориб, унинг хабарини эшлиши учун доруссалтана Кобулга чорлади, уч кун давомида унга меҳмондорчиллик кўрсатди. Амир унинг учун маош жой ажратди.

Аммо Иброхимбек маош ва турар жой олишини истамади. Афғонистон давлатидан илтимос қилди. «Мен Бухоро подшохининг фидойи хизматкорларидан бириман. Истардимки, ўз валинеъматим кошига борсам ва қолган умримни у киши остонасида ўтказсан».

Шу сабабдан Иброхимбекни мен билан учрашдириш учун қошимга равона этдирибдилар. У мен билан бирга яшади. Унинг кунлик харажати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юзу эзлек кобитий рупияси тайин этилди.

МУЛЛО АБДУҚАХХОРНИНГ БУХОРО АТРОФИДА ТЎРТ ЙИЛ МОБАЙНИДА УРУШИ

Мулло Абдулкаххор доруссалтана Кобулдан бу банданинг рухсати билан Бухоро ва унинг туманлари атрофида фидокор мужоҳидларга раҳбарлик килиб, аскарлар орасида тартиб-интизом ўрнатгач, у Фиждувон туманини озод килиш ниятида душман устига бостириб борди, шу билан, Фиждувон туманини душман кўлидан кутқарди ва уни ўз тасарруфига киргазди. Шу билан у ердан анчагина дин ва бу банда тарафдорлари фидойи кишилар унга ҳамроҳ бўлдилар. Шу жумладан Бухоро атрофидан тахминан олти минг нафар, Вобкент туманини тарафидан икки минг нафар, Вағанза туманидан икки минг нафар, Шофриком³⁰ туманидан икки минг нафар, Пирмаст туманидан икки минг нафар, Хутфар ва Лаклака туманидан икки минг беш юз нафар, Баҳоуддиндан икки минг нафар аскар йигилди. Шундай килиб, барча жойдан йигилганларни жамласак, йигирма беш минг нафардан ортикроқ жамоа йигилибди. Ҳар бир фирмадан бир ёки иккитадан ўз-ўзларига саркарда тайинладим. Натижада Фиждувон туманидан душманга карши уруш бошланиб икки ўртада қаттиқ жанг бўлди, бир ой ичидан большевиклар кўлидан икки минг бешотар милитик, юз минг бешотар ўқ, ўнта пулемёт ва учта темир копланган броневик ўлжа олинди. Шу билан у бир неча туманларни эгаллаб, Нурота вилоятининг юкори килемига борди, у ерда бир канча нафар улуғ одамлар истиқболига чикишиб, мужоҳид аскарларнинг ахвол ва кайфиятларини англашиб, кейин аскарларни олиб Нурота вилоятига кириб боришиди. Шаҳар большевикларни ушлаб банди килиб олди. Бундан у ердаги фуқаролар аинча хурсандчилигини изхор килишиб, хутбани бу бандайи ожиз номига ўқишган.

Мулло Абдулкаххор большевиклардан анчагина ҳарбий асбоб-ускуналардан ўлжа олиб, Нурота вилоятини ўзига марказ килиб олди. У ўз ишларини саранжом қилганини кўриб, у ердан Бухоронинг юкори томонига юриш килди; Сарипул, Мехтар Қосим кўпрги бошигача борилган аснода Бухоро жадидларининг Абдулҳамид афанди деган ҳарбий вазири олтмиш нафар бухоролик, турк, ҳинди одамлари ҳамроҳлигига ўз олдигарига анчагина куроляроғ кўйиб Мулло Абдулкаххорни кутиб олишиди. Абдулҳамид афанди шунда мулло Абдулкаххорга олти минг инглиз фунти, иккита пулемёт хадя килди.

Абдулҳамид афанди мулло Абдулкаххордан Бухоронинг шаркий томонига бориб, Анвар пошшо ва Иброҳимбек Девонбеги ёнига бориш учун рухсат олди. У ерга келиб, ундан узр сўраб, унинг хизматига бойланиб котди. Буни Анвар пошшо хабар килди.

Большевиклар жамоати мулло Абдулкаххорни Мехтар Қосимдаги кўприкка етишганда хабар топиб, тўпланган аскарлари билан урушга киришиб, жанг бошлади, икки кечаю кундуз жанг килди.

³⁰ Матнда Шофриком битилган. Ҳатто котиб «М» ҳарфи ўрнига аввал «Н» ёзган экан, уни ўчириб «М» га тузатибди.

Мулла Абдулкаххор большевиклар устидан зафар козонди, яна Бухоро шаҳри теварагини ўраб олди, натижада, шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллади. Шу билан у большевикларни сикиб чикариб, Бухорони бўшатди. У темир йўл тўхтами — Когонга юриш килиб, шахар ичкарисига киради, тўрт соатдан кўпроқ бу ерда туриб, кейин шахар ичкарисидан чикиб Баҳоуддинга борди, у ерда ўн соат жанг килиб, у ерни ҳам большевиклар кўлидан халос килди. Абдулкаххор Бухоро ва Баҳоуддиндан кўлга анчагина ўлжа кириди. У ўз ахволи кайфиятларини ёзиб менга билдириди, шу билан мен уларнинг барча ахволларидан хабардор бўлдим. Абдулкаххорнинг бу хизматларидан эса кўп мамнун бўлдим. Шу билан унг бир аскарий зарли тўн ва маузер тўппонча хадя юбордим.

Бу кунларда большевиклар безовталаниб, саросимага тушиши, аскар тўплашга урнниб, Москов ва Тошканд тарафидан анчагина аскар йигди. Шу билан ҳар тарафдан бирданига ўша зикр қилганим мулла Абдулкаххорга хужум килишиди, Бухоро ва Баҳоуддинни муҳоҳидлар кўлидан олиб, большевиклар минг нафарга якин муҳоҳидларни асир килиб кўлга киритишиди. Ҳатто большевиклар мулло Абдулкаххорни кўлга олиш йўлида анчагина уринидилар; кечаю кундуз жангни давом этдириб, душман хужуми кундан-кунга орта борди. Большеvиклар муҳоҳид аскарлар ўртасида кўплаб давлатлар сарф этди, уларни инкилоб килишга унади. Йигирма беш кун ичida мулла Абдулкаххорнинг икки биродарини шахид этдилар. Факиру фуқароларни изтироб-ташвишга солишиди, кўп ҳаробаликларни юзага келтиришиди. Шу сабабдан мулло Абдулкаххор ўз фуқароларининг тинчлигини кўзлаб, от жиловини чўлга, Қозогистон ерлари томонга бурди. У ерларда яширинди, бу йўл билан у фуқаролар устига тушадиган нотинчлик ташвишларини енгиллаштиромкчи бўлган эди.

Большеvиклар туманлар³¹ устига аскарларни кўпайтиридилар. Улар тағин ҳукумат-Олимхон аскарлари тарафдорлари кўтарилиб, бирор бир харакат килиб колишмасинлар, дейишди.

Бу банда шахзодалик пайтимдан тортиб то Бухоройи шарифда салтанат тутганимга кадар, шу билан бирга вилоятларга тааллукли гапларни ёздим. Большеvикларга карши, бинобарин, инкилоб замонида ҳам курашдим. Бундан сўнг кўчишини ихтиёр килиб, Дорус-салтана Кобулга ўтдим. Бухоро ахолиси ва унга тааллукли вилоятлар менинг тарафдорим бўлиб, большевикларга карши етти йил давомида курашдилар; ёдгорлик тариқасида шу воқеаларни кўриб турганлар учун бу борадаги тарихимни таҳrir ипига тиздим, токи улар бошимдан ўтганлардан хабардор бўлсинлар.

Ўқигандан дуо таъмадорман,
Чунки мен бандайи гуноҳкорман.
(Ҳар ким хонад дуо тами дорам,
Зи онки ман бандайи гуноҳкорам).³²

³¹ Туман — ўлка, вилоят маъносида.

³² Форсийда битилган бу пайт кейинги асрларда битилган кўп кўлёзма китобларда учрайди. Китобни шундай байт билан тутгатиш бир одат бўлган бўлса керак, амир ҳам ўзидан олдин ва ўз даврида учраган услубда бу байтни келтиради.

ИККИНЧИ ФАСЛ

Бухоро амири Олий ҳазрат Сайид Амир Олимхон юқорида баён қилинган эсдаликлари 1927 йили сентябррида ўзининг мутлақ вакили бўлмиш генерал Ҳожи Юсуф бий Муқимбий тавассути билан Миллатлар Иттифоқига тақдим қилинган эди.

БУХОРОНИНГ ТАБИИЙ ЖУГРОФИЯСИ


Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни Русия Помиридан то Хеванинг кенг даштларигача чўзилиб боради. Русия билан Бухоро ўртасида бўлган урушидан олдин 1868 йили ва большевиклар ҳукумати тасарруфида (1920) бўлган чогда Бухоро шимол тарафдан Кизилкум саҳроси билан чегарадош. Farb тарафдан Сирдарё билан ҳамда Ҳўканд хонлиги билан, жанубдан эса Афғонистон, Шарқдан туркман ўлкаси ҳам Хева дашти билан чегарадош.

Бухоро аҳолиси уч ярим миллион нафардан иборат. Унинг майдони 225.000 км² келади, яъни таҳминан Италия майдони билан тенг. Унинг аҳолисининг асосий қисми ўзбек, туркман, кирғиз, козок, тоҷик, яхудий ва араблардан иборат. Бухоронинг гарбий қисми, ҳусусан, Амударё соҳилларидан ташкари жойлари экин экишга ва дехкончилик килишга қобил эмас. Аксинча дарёга яқин жойлар анча серҳосил ерлардир. Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон, Коғирнаҳанг ва Фийшлар теварагида дехкончилик килишади.

Қадимий маданий ёдгорликлар мавжуд шахарлар, чунончи, Қарши, Қитоб (Қиғти об), Шаҳрисабз, Ғузор, Бухоро, Зиёуддин, Кармана, Чахоржӯй, Қарки, Бойсун, Коратоғ, Қўлоб, Болжуони, Шеробод, Ҳисор, Душанба, Файзобод ва бошқалари хануз манихур ва маълумдир.



Бухоро давлати байроғи



Бухоро давлати арки.

Бухоронинг шарқий кисмини улуғ тоғлар ўраб турадики, улар дунёнинг энг баланд тоғларидир. Хисор тоғларини ўраб олган канчадан канча чўқкилари борки, ундайлар жуда оз бўлиб, уларнинг баландлиги беш минг беш юз метрга етади. Бир-бирига занжир бўлиб уланган ерлари то олти минг бир юз метрга етади. Жумладан, Дарвоз тоғлари то Помир даштигача чўзилади. Бухорода, яъни Марказий Осиё мамлакатларининг энг кадимгитаридан бири бўлиб, бунда навбатма-навбат шахзодалар салтанат курганлар. Бухоро пойтахти³³ милодий тарихдан неча аср аввал бино бўлган. Унинг халқи турклар тасарруфидан аввал ориёний иркidan эдилар. Хижрийнинг еттинчи ва саккизинчи асрларидан, яъни араблар ҳукмронлиги даврида Бухоро шахзодаларида Бухоро хонлари салтанат сурар эди. Бу шахар машҳур сомонийлар сулоласининг марказига айланган эди. Сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмонл Сомоний (892—908) вактида Бухорони Самаркандан афзал кўрганидан, унинг аҳамияти кундан-кунга орта борди. Ўнинчи аср, яъни сомонийлар салтанати даврида Бухоро улуғвор ва буюктикка эришди. Санъат, савдо-сотик ва турли-туман фанлар ривожланди. Сомоний подшоҳларининг сўнглиси вафотидан кейин (1005) Бухоро икки марта турк ва салжуклар сулоласининг кўлига тушди. Ундан сўнг Чингиз ва Темурланг, кейин шайбонийлар ва Аштархонийлар³⁴ сулоласи, ўзбек мангитлар тоифаси Бухорода ҳукм сурдилар. Мангит тоифаси 1783 йилдан то 1920 йилгacha Бухорода салтанат килдилар. Ниҳоят большевиклар ҳуқуматининг жабр ва сикуви билан Амир Олимхон Бухородан кўчишга мажбур бўлди.

БУХОРОНИНГ СИЁСИЙ ВА ИДОРИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

Гарчи Бухоро мамлакати Русия давлати химоясида бўлган бўлса-да, лекин у ўзининг кадимги мустакиллигини саклаб колган эди.

Бухоро амирлари ҳукм юритишларида шариат усул ва одатларига риоя килар эдилар.

Бухоронинг истом уламолари амирни пайғамбар ҳалифаси — ўринбосари, усул ва шариат химоячиси деб биларди.

Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатта мос бўларди, уни бузинши мумкин эмас эди.

Бухоро хонлари бутунлай мангитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган.

Бухоро подшоҳларининг мўғил³⁵ одатларига кўра, тўшакча³⁶ устига табаррукона ўтқазилиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарардилар.

³³ Яъни муаллиф Бухоро шахрининг ўзини назарда тутяпти. Чунки умуман Бухоро давлати деганда кенг маънода мамлакат назарда тутилади.

³⁴ Матнда Астрахоний келган.

³⁵ Бу мўнгул эмас, балки мўғил. Мўғил аслида туркий қабилаларидан саналади. Шу жihatдан Бобурнинг Ҳиндистон шимолида курган «буюк мўғиллар империяси» деб аталган, бу нотўғри равишда баъзан «буюк монголлар» деб ҳам ёзиляпти.

³⁶ Тўшакча одатда оқ кигиздан тайёрланган.

Бухоро мамлакати йигирма саккиз беклилгиде. Шу қарорга мувофик Нурота, Коракўл, Қабокли, Чахоржўй, Карки, Бурдолик, Калиф, Шахрисабз, Яккабоғ, Китоб, Ғузор, Қаротегин, Бойсун, Ҳисор, Дехнав, Қўргон (тепа), Болжувон, Қўлоб, Қабодиён, Дарвоз, Рувшон бекликлари ва мирилклавига бўлинниб, бу вазифалар қадим-қадим айёмлардан буён ирсий, яъни мерос бўлиб коларди. Бирок Амир Саййид Олимхон замонига келиб сайлаш усулига ўтилди.

Бухороннинг сиёсий ва идорий ишлари эса Қушбеги деб аталган бир киши раислиги кўл остида идора килинарди.

Мамлакатнинг молиявий ишлари девонбеги кўл ости ва назорати остида амалга оширилар эди.

Диний масалалар, қозилк ишлари, умумий таълимот масалалари билан шуғулланиш қозниўл-қуззот — қозилар қозисининг бурчига киради.

Аскарий ишлар эса тўпчибоши раҳбарлигига ўтар эди. Унинг вазифа даражалари ушбу тар кароридан келиб чиқади: Қушбеги, девонбеги, парвоначи, инок, додхобий, тўксоба³⁷. Учинчи Искандар (Искандар солис) нишони энг муҳим нишонлардан бири эди. Бухоро амири у билан мансабдор кишиларни ва ҳарбий офицерларни мукофотларди. Қуввайи казоня-мамлакат тақдирини хал килиш масаласи — амирнинг ўз қўлида эди. Бу Қуръон ҳукмларни ва ислом шариати конунларни асосида юритилади.

1868 йилда Бухоро билан Русия ўртасидаги тузилган қарорга биноан Русия фукаролари Бухоро амирлигига солик тўлашдан озод эди, лекин улар Бухоро бозорларида ўзларининг тижорий молларини сотганларида сотилганинг юздан икки ярим фойизини Бухоро ҳукуматига беришлари шарт эди.

Бухороннинг табиий бойликлари: тилло, кумуш, қўроғин; мис, темирлар Бухорода кўп микдорда топилади. Ҳусусан Шаркӣ қисмларда маъданлар борки, улар то шу маҳалгача ишлаб чиқилмаган. Табиий бойликлар ичиде нефт, қўмир, гугурт, нашатирлар бор Савдо-сотик ишида тери, юнг, шойи гиламлар — мамлакатнинг ташқарига чиқарадиган асосий молларини ташкил этади.

Бухоро мевалари дунёга машҳурдир. Бухоро отлари, ҳусусан, корабайир нави 1914 йилги урушда аҳамият қозониб, яхшилигини исботлади.

Бухоро амири канчадан-канча минг бош отни Русия давлатига берди. Ҳар хил фаслларда тогу чаманзорлар ранг-бараңг бўлганидан кўй, эчки, от ва тую сурувлари ўз ўтлоказларида мирикиб ўтлаб юришади.

Бухороннинг асосий савдоси Русия, Эрон, Афғонистон мамлакатлари билан бўлади.

Большевиклар инқилобидан олдин Бухоро савдоси факат Русиянинг ўзи билан икки юз элтиқ миллион франкга етар эди. Лекин баҳтга карши юкларни элтиш воситалярининг бўлмаслигидан савдо ишининг ривожланишига катта тўскинлик пайдо бўлди.

³⁷ Тўксоба — бу адлия ишлари ёки ҳозирги ички ишлар каби бўлса керак.

Ваҳоланки, канчадан-канча темир йўл воситалари мамлакатнинг бошидан ёғигача чўзилган эди.

Большевикларнинг Бухорога ҳамласи: 1917 йил февраль инклибидан сўнг большевиклар ўзларининг ёмон ниятла бўлган илк кадамларини тарғибот ва ташвикот йўллари билан бошлаб юбордилар. Ичкаридаги мажаропарааст унсурлар билан ҳангома талаб унсурлар бир-бирлари билан тил биректириб большевиклар билан ҳамкорлик қилишди. Улар ҳукумат учун кўп кийинчиликлар тудириди.

1918 йилнинг ўнинчи мартада большевиклар Бухорога ҳамла-килиб, Зиёуддинни эгаллаб отдилар. Шундайки, Бухоро ахолиси ҳаккатни букиб юборадиган тарзда бўлаётган большевикларнинг бу оёқ олишларини мушоҳада қилишарди.

Афғонистон чегарасида бўлган барча рус аскарларини ўлдири-дилар, оз-оздан, бўлсаям инкилоб олови бошдан-оёқ мамлакат бўй-лаб алангалана бошлади, натижада большевикларнинг қўмондони Котесов мажбур бўлиб, 1918 йил йигирма бешинчи марта амир билан сулҳ тузишга карор қилди.

Лекин баҳтга карши большевиклар ўзларининг пасткашлик ишларидан кўл тортмадилар, 1920 йил бешинчи сентябрда Бухоройи шариф большевик аскарлари кўлига тушди.

Ота-боболари 1783 йилдан бошлаб салтанат сурган Амир Сайид Олимхон Бухорода ҳукм суратуриб бир оз киши билан Афғонистонга кочиб кетди; кизил аскарлар бўлса одамларни бехонумон қилди. Зулм кўлини узун килиб, мамлакатни бошдан-оёқ форат килиб та-ладилар, бунинг натижасида, никоят, эллик минг нафарга яқин одам-лар бехонумон бўлдилар. Шундайки, 1921 йили большевиклар етказган зулм ва бедодликлар авжига миниб, ахолининг барчаси бира тўласига қўтарилди, мамлакатда каттиқ бир инкилоб юзага кетди.

Иброҳимбек кўп шерюрак аскарлар тўплади, кизил аскарлар билан конли жанглар қилди ва, никоят, охир-окибатда большевиклар билан етти йил курашгандан сўнг Бухорода бир кур муваққат ҳукумат ташкил ҳам кила отди.

Бугунга келиб, большевиклар шундай саъй-харакат қилиптилар-ки, халқнинг миллий ифтихорларини одатлардан, хатто ахлоқ, одоб, дин ва мазҳабдан, оила ва жамиятдан чиқариб ташлашга, уларни йўкка чиқаришга уриняптилар. Ахолининг юкори табакасидан тортиб то куйисигача бўлган ҳамма тоифаси Амир Сайид Олимхонни севардилар, унинг юрга кайтишини орзу қилардилар. Кизил ҳукумат аввал бўлган барча ташкилот-тузумларга барҳам берди. Мамлакатни бир канча совет жумхуриятларига, чунончи, Ўзбекистон, Туркманистон, Кораколпоғистон кабиларга бўлиб юбордилар. Бухорой шариф шахри, яъни марказий Осиёнинг маккаси бўлган шахарни Совет Ўзбекистоннинг бир вилояти этиб қўйишди. Амир хонадони эса 1922 йилда ўз юритдан узоклаштирилди, унинг уч нафар ўғиллари Москвага юборилди.

Бирлашган Миллатлар таъсисидан асли максад занф миллат ва

зулм кўрганлар хукукини химоя килиш экан, Бухоро Амири кувонч билан орзу қиладики, юкорида зикр этилган анжуман бу афсуснок вазиятга ўз лутф-таважжухини каратиб, мамлакатни ва бу ерда яшаётган фукароларнинг хотиржамлигини таъминлаб, Осиёнинг бу минтақасида тинчликни баркарор киласди, деб ишонади.

УЧИНЧИ ФАСЛ

БУХОРО АМИРЛАРИНИНГ ТИРИКЧИЛИК ТАРИХИ

Саййид Амир Музаффархон ўғли Саййид Амир Абдулаҳадхон 1859 йили Бухорода туғилди. У киши йигитликнинг дастлабки кезларида мамлакатда ислохот ўтказишга ўта майл пайдо килган эди. 1883 йили учинчи Александрнинг таҳтга ўтириши тантанасида иштирок этиш учун Москвага боради.

Янгилликларга кадам кўйиш, темир йўл, телеграф ва бошка нарсаларни куриш хусусида тажриба орттириш каби ишлар у кишини хос кишилар ва омма ўртасида шуҳратини яна хам ошириб юборган эди. Шундай килиб, Русия билан дўстлик ипларини мустаҳкамлаш учун хукуматдан бир нарсани — Бухорода Русиянинг бир сиёсий шўъбоси таъсис этилишини иштаб колишиди. Нихоят йигирма олти йил пурифтихор салтанат суриб, 1911 йилнинг феврал ойида энглик уч ёшида Амир Саййид Музаффархон бу фоний дунё билан видолашди.

Амир Саййид Олимхон: хижрий йилининг 1298-си муҳаррам ойи ўн бешида, мікодий йил айтанишига кўра, 1881 йилда Карминада туғилди. Сўнгра бошланғич таҳсилни тамом килгач, ўн уч ёнинида ҳарбий фанлардан таълим олиши макеадида падари бузруквори буйруғи билан Москвага боради. Ўн етти ёшга тўлган чогидан то отаси вафот этиб, салтанат таҳтига ўтирганга Калтаф Карми ёнилоятида хукм юритди.

Амир Саййид Олимхон салтанатга ўтирган чогидан тўккиз йил фукаропарвар адолатпарвар хукм юритиб, большевикларнинг конли ҳамта ва хужумидан сўнг, ахийри 1921 йил апрель ойида Афғонистонга кўчишга мажбур бўлди.

* * *

Генерал Ҳожи Юсуф Муқимбой эсадаликлари: сўзни тугатишдан олдин шуларни айтишни лозим кўраманки, олийхазрат Бухоро амирининг Женевада бўлган шикоятидан сўнг унинг номини ҳурмат-эхтиром ва самимият билан эсладилар. Франция, Италия, Германия, Англия ва Эрон вакиллари бу фавқулодда кишига иисбатан ҳурмат-эхтиромда бўлдилар. Бу сафарим натижаларини Амир олийхазратлари кузурига келиб изхор киладим.

Олийхазрат Амир ўз навбатида Миллатлар Иттифоки хайъатида инсон кадри ва хукукининг кадрига етишидан иккинчи марта мени Овропога равона бўлишга буюрдилар. У киши баъзи буюк дав-

латлар бошылқлары номига мен оркалы мактуб йўлладилар. Шу билан мен ўз вазифамни меъёрига етказиб бажарин бахтига муяс-
сар бўлдим.

Шундай килиб мен олам мусулмонларига қўйидагиларни маътум
қилмокчиман: улар бахти кетган бу халк ва унинг подшохининг
бу борадаги кечмишларидан огох бўлсалар.

Бу эсадаликларни ўқиган ўкувчилардан яна шу нарсаларни орзу
этаман: Шояд улар бизнинг бу муқаддас бурчимизни бажо келти-
ришимизга бизга кўмак беришса ва Русия большевикларининг биз-
га нисбатан килаётган барча тухмат ва бўхтонларини хақиқатдан
холи эканлигини билиб олишса.

Генерал Хожи Юсуф Мукимбой.

ТАРЖИМОНДАН

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик инсититутининг катта илмий ходими, дўстимиз ва ишдошимиз Шоҳниёз Мусо ўғиллари бир неча йил Афғонистондиёрида бўлиб ватанга кайтганлар. У киши муносабат топиб оиласи ва дўстлари билан бирга 1973 йил июнь ойнда Амир Олимхоннинг кабрларини зиёрат килганлар. Ҳикоя килишларича, амирнинг макбараси Кобул шаҳри теварагидаги «Шаҳидони ислом» («Ислом шаҳидлари») қабристонида бўлиб, қабр тошига ушбу сўзлар билгаган экан:

«Бу қабр сохиби алам-ситамга тўла амир бўлмиш ва салтанат сурмиш зоти олийнинг бир кафт тупроғидан хотира бўлиб, бу киши Бухоройи шарифдаги мангитлар сулоласининг еттинчи ва охирги саодатпаноҳ подшоҳларидан эдилар. Яъни бу жаноб Аллоҳнинг мағфиратига сазовор бўлган Амир Сайид Олимхон ибн мархум Амир Сайид Абдулаҳадхон ибн Амир Музаффархон ибн Амир Сайид Насруллаҳон ибн Амир Хайдархон ибн Амир Шоҳмурод — бу киши маъсум Фозий лақаби билан ҳам машҳур — ибн Амир Дониёлхондурлар. Бўл марҳумнинг Бухоройи шарифда амирлик салтанатининг ўнинчи йилида рус кофиirlари томонидан Бухоройи шариф босқинчлилар билан истило қиалингач, фисабиллоҳ мухожир сифатида қўшни юрт бўлган Афғонистонда паноҳ топган эдилар. Орадан йигирма уч йил ўтгач, 64 йил умр кўриб, бу ислом мамлакати ерида 1323 шамсий йили саврнинг бешинччи шанбаси куни ва хижрий қамарийга мувоғик 1363 йили жумодил аввал ойининг бешинчисида (1944 йил 28 апрель куни) бу фоний дунёдан кўз юмдилар.

Йигирма уч йилдан бери ул зоти олий мана шу тупрокда ётиб-дурлар».

Ҳаёти ва фаолияти йиллари

- 1881 — Бухорода манғит ўзбеклари сулоласидан бўлмиш Амир Олимхон Карминада туғилди.
1893—1896 йиллар Амир Олимхон Петербургда ўқиёди.
1896 — Амир Олимхон Петербургдан Бухорога қайтади.
1898 — Амир Олимхон Насаф вилоятига хукмрон этиб тайинланади.
1910 — Амир Олимхон Қармина волийси.
1911 — Амир Олимхон Бухоро мамлакати таҳтига ўтиради.
1921 — йили Амир Олимхон Афғонистонга кўчади.
1944 — йили Амир Олимхон Кобилда вафот этади.

Техмуҳаррир *Х. Бабумуҳамедов*
Корректор *Р. Ерлақабов*

ИБ № 6109

Теринига берилди 10.07.91. Босишга руҳсат этнади 20.08.91. Коғоз $60 \times 90 \frac{1}{14}$.
Босмахона коғоси № 1. Адабий гарнитура. Оғсег усулида босилди Шартли босма т. 2,0
Хисоб-нашиёт т.2,0. Буюргма № 201. Нусхаси 100000. Нархи 3 с.

ЎзССЖ «Фан» нашиёти: Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССЖ «Фан» нашиётининг босмахонаси, Тошкент, 700170, М. Горький шоҳ кўчаси, 79.